
Бағдод туманида кўрсатилган хизматлар ҳажми 124 млрд. сўмга яқинлашди

Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида Бағдод туманида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 123,7 млрд. сўмга етди. Бу - 2022 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил этганини кўрсатади.

Шундан:

савдо хизматлари -51,9 млрд. сўм;

транспорт хизматлари - 20,0 млрд. сўм;

молиявий хизматлар - 3,8 млрд. сўм;

алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари - 17,0 млрд. сўм;

таълим хизматлари - 4,9 млрд. сўм;

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 2,6 млрд. сўм;

соғлиқни сақлаш хизматлари - 1,4 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Бундан ташқари:

аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар - 541,3 минг сўм миқдорида қайд этилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-22 19:04:38